

Ойдина РАЖАББОЕВА



ЁМФИРОЙ

Шеърлар



**«НАМАНГАН» нашиёти
2004**

**Ойдина РАЖАББОЕВА 1988 йил
16 сентябр куни Чортоқ шаҳрида туғил-
ган. Ҳозир шаҳардаги 40-ўрта мактабда
ӯқийиди. Шеърлари вилоят ва туман газе-
таларида эълон қилинган.**



НГ 465 - 846,39 - 1090300 2004
466 - 0,1 - (12) - 04

(C) **О. РАЖАББОЕВА. «Наманган» нашриёти**

20
271

Alisher Navoi
nomidagi
O'zbekiston Mif



ЎЗБЕКИСТОНИМ

Ассалом, ҳур Ўзбекистоним,
Сенинг бирла ҳуррам ҳар оним.
Сенсан менинг томирларимда,
Жўшиб оққан ҳаётбахш қоним.

Гўзал жаннатимсан, кўркамсан,
Чор атрофинг чаманга макон. 
Багрингда шод ўсиб - улгайдим,
Содиқдирман сенга ҳар қачон.

Амир Темур улуғ бобомдир,
Зебунисо асл мөмомдир.
Мустақилман, ҳурман, баҳтлиман,
Энди армонларим томомдир.

Үтди неча замонлар, ииллар,
Истиқололга етказди йүллар,
Ортда қолди зулмат дүнёси,
Офтоб мисол ёришди диллар.

Үлкам бүгүн осмондир бошинг,
Хумо қуши манғу йўлдошинг.
Шижоатда Алломишга тенг,
Бордир сенинг улуг Юртбошинг.

Фидо бўлсин сенга жону тан,
Қучавергин доим обрў, шаън.
Истиқололинг абадий бўлсин,
Эй севимли ардокли, Ватан!



АЛИШМАЙМАН

ШЕЪРИМНИ

Шеърият, ўзингсан қалбим эгаси,
Умримнинг гултожи, таҳтим ўзингсан.
Излаб топганимсан, садоқатли дўст,
Ҳам орзу-умидим, баҳтим ўзингсан.

Мен ашъор богининг бир маликаси,
Илҳом парисига чин ёр бўлайин.
Шайдойи, шеърсевар муҳлисларимга,
Назмлар битибон, завққа тўлайин.

Юракка сигмаган түйгуларимни,
Оқ қогоз юзига тўкиб соламан.
Тиллога алишмам битта шеъримни,
Шеър севиб тугилдим, шундай қоламан!..



АЁЛ МАДХИ

Мехрга кон бўлса-да дунё,
Вафодор дўст топмоқлик маҳол.
Лек онанинг меҳри дарёдур,
Қанча сипқор, топмагай завол.

Она сўзин англаған юрак,
Бошда тутар унинг ҳурматин.
Тиллари бол, сўзлари гавҳар,
Қўллари гул, қўллари олтин.

У дунёнинг меҳр булаги.
Ҳомадоннинг файзи, чироги.
Дуо қилиб бизни бир умр,
Асрасин дер кўзим қарогин.

КАЛБ КЎЗГУСИ

Китобим, сен менга чин дўст, вафодор,
Устози аввалсан, сеҳрингдир бисёр.
Ҳар инсон қалбининг кўзгуси ўзинг,
Барчага баробар нурсан бетакрор.

Тарихий сиймолар қўлин тутгансан,
Ҳар қадамда эзгу ишларинг ошкор.
Сендан эзгуликнинг маъносин уқдим,

Дилим ҳам сен каби бўлди бегубор.
Сени ардоқлайман беминнат дўстим,
Ўзинг маслаҳатгўй, ўзингсан дастёр.
Одина кўнглида бир ёруг нурсан,
Бир умр сен билан бўлгум дўсту ёр.

Б О Л А Л И К

Ҳаётнинг қувончи - баҳтли болалик,
Унга бегонадир ташвишу алам.
Кўз ёши ҳам ярашади ўзиға,
Бир табассумидан безанар олам.

Оталар гурури, она орзуси,
Жаҳоннинг шодлиги унда мужассам.
Фарзанд қувончидан сигмас оламга,
Дунёга сигмайди кўрмаса бир дам.

Бола - ўзи неъмат, болалик - неъмат,
У борки, дунёда мангу баҳт иқбол.
Тинч бўлса она юрт, болалар баҳтли,
Толеимга мангу бор бўл, Истиқлол!

А Т И Р Г У Л

*Оқ, сариқ, қизил,
Тусда товланиб.
Ял-ял ёнаман,
Мен оловланиб.*

*Менда ажыб ҳид,
Ҳам зўр чирой бор.
Богда булбуллар,
Ҳуснимга хуштор.*

*Қуёш нурига
Багрим очаман,
Бўю ифорим
Ҳар ён сочаман.*

*Оқ, сариқ, қизил
Тусда товланиб.
Ял-ял ёнаман
Мен оловланиб.*



ОҲАНРАБО

*Қулогимга чалинар наво,
Маст бўламан сеҳрли куйга.
У томонга қадамим ташлаб,
Тополмайин, толаман ўйга.*

*Ажаб, кимдир бу куйни чалар,
Мафтун этар барча-барчани.
Эҳтимол, у буюк созандা,
Менга очди соз дарчасини.*

*Бастакор бу - она табиат,
Куйга солар олам чиройин.
Шўх қушларнинг чугурлаши-ю.
Ҳам эслатар сершовқин сойни.*

*Тогдан оқиб келган шўх дарё,
Булоқларнинг куйи унда жам.
Табиатнинг оҳанрабоси,
Эрур қалбга шифо-ю малҳам...*

ГУЛАСАЛ - АСАЛ

*Синглимнинг бол сўзларин,
Тинглаб ҳамма қолар лол.
Эркалаб уни бобом,
Сўнг аста берар савол!*

*Она қизим, Гуласал,
Тилларинг бүнча шириң?
Лолман эшиштган сари,
Билолмасман ҳеч сириң.*

*Айтсам, бобо, оғзимда
Сиз берган қанд-новвот бор.
Шу боисдан тилимда
Шириң сүзларим бисёр.*

«АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!»

*«Ассалому алаикум!»
Эритар муз дилни ҳам.
Тинчлик тилаб барчага,
Дуо олгум мен ҳар дам...*

*Кеч қолиб дарсга бир күн,
Кириб бордим эгиб бош.
Устоз бокди шаҳд билан,
Сүнг чимирди күэзу қош.*

*Дедим: «Салом, муаллим,
Кечикиб қолдим бир оз»
Деди: «Бүгүн авф этдим,
Такрорланмасин, Ниёз».*

*Тилидан бол томганлар,
Кам бўлмас элда ҳеч ҳам.
«Ассалому алаикум!»
Сўзи қалбимга малҳам!*

ЎЗБЕК ҚИЗИГА

Мадҳ этмоқ учун жамолингизни,
Қўлимга олдим қогозу қалам.
Кўнгилларимиз дунёни безар,
Сизга беғона ташвишу алам.

Болдан шириндир айтган сўзингиз,
Ойдек кўринди ёруг юзингиз.
Сизда жамул-жам гулларнинг ҳусни,
Ҳаё ибонинг соҳибаси сиз.

Майда ўрарсиз сочларингизни,
Хонатлас сизга бирам ярашар.
Адаси бўлиб нозларингизни,
Йигитлар сизга мамнун қарашар.

Сиздирик юртимнинг номуси, ори,
Назокат, ибо тимсолидирсиз.
Дунёда юрт кўп, қизлар ҳам бисёр,
Лек садоқатда ягонадирсиз.

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ

Кечада жуда қизиқиб,
Савол бердим укамга.
Дедим «Айт-чи укажон,
Ўҳшагинг келар кимга?»

*Укам дер: Катта бўлсам,
Шофёр бўлиб қоламан.
Ўхшаб катта акамга,
Битта «ДАМАС» оламан.*

*Бугун эса сўрасам,
Бўлар эмиш үчувчи.
Парвоз қилиб самода,
Еру кўкни қучувчи.*

*Барча касбдан укамнинг
Сира кўнгли тўлмайди,
Ҳа, рост экан, ҳалқ нақли:
«Орзуга айб бўлмайди».*

*Бир йигитга, укажон
Асли қирқта ҳунар кам,
Ибрат бўлсин доимо
Сенга отам ва акам.*

ОТАМНИНГ БОГИ

*Дадам билан экдик биз,
Үн туп бодом кўчати.
Териб ёсин ўғил-қиз,
Бу отамнинг нияти.*

Тезроқ униб-ўссин деб,
Чоламан атрофини.
Ширин мева берсин деб,
Ардоқлаиман ҳар куни.

Пишди бөгдә бодомлар,
Келиб қолинг болалар,
Отамнинг ўгитига,
Қулоқ солинг болалар:

«Сизлар ҳам бög яратинг,
Мевалар мүл-күл бўлсин.
Турфа дараҳт ўстириңг,
Еганлар дуо қилсун».

АЛДАНГАН АРСЛОН

Ўрмон шоҳидир арслон,
Овдан қайтар кўнгли хуш.
Шу чоқ гйё ўироқдан,
Эшитилони бир товуш.

- Ёрдам беринг, ҳой ким бор?
Ҳайрон қолди шаҳаншоҳ.
Үлжасини ҳам ташлаб,
Югурди ул ҳайриҳоҳ.

Тулки яна үзоқдан
Давом этди тугённи.
Содда арслон шу дамда
Англамади ёлгонни.

*Тулки арслон ўлжасин
Олиб қочади аста,
Алданганин сезиб шоҳ,
Бўлди хўп кўнгли хаста.*

ЁМФИРОЙ

*Мени дерлар ёмгирий,
Оламга бериб чирой.
Ёга бошлайман чак-чак,
Тўкийман янги эртак.*

*Тўлдим осмон кўкига,
Орзуларнинг кўкига.
Ииглаб олсин мен билан,
Айтинг, борми ўксиган.*

*Бирдек ювиб бораман,
Ерни-ю тогу тошни.
Севишаркан мени ҳам,
Севганчалик қуёшни.*

*Турфа гуллар юзини,
Силаиман ювиб-тараб.
Чанқогин қондираман,
Уларни мен эркалаб.*

*Ўсимликлар ҳам яшнаб,
Гўзал этар оламни.
Кўркига кўрк қўшаман,
Мен табиат - онамни.*

МУНДАРИЖА

Ўзбекистоним	3
Алишмайман шеъримни	5
Аёл мадҳи	6
Қалб кўзгуси	6
Болалик	7
Атиргул	8
Оҳанрабо	9
Гуласал - асал	9
Ассалому алайкум	10
Ўзбек қизига	11
Орзуга айб йўқ	11
Отамнинг боғи	12
Алданган арслон	13
Ёмгирий	14

Ойдина РАЖАББОЕВА

ЁМФИРОЙ

Шеърлар

Муҳаррир:

Дилором ЭРГАШЕВА

Тех. муҳаррир:

F. МУЛЛАБОЕВ

Мусаввир:

М. МИРАЗИЗОВ

Мусаҳҳих:

С. ХОЖАЕВ



Теришга 20.12.2004 йил берилди. Босишга 25.12.2004
йил рухсат этилди. Олий навли газета қозозига оффсет
усулида босилди. Бичими 60x84. 1/32. Ҳажми 0,5
босма табоқ. Адади 300 нусха. Буюртма № 1305.
Баҳоси келишилган нархда.

«Наманган» нашриёти. (Наманган шаҳри, Навоий кўча-
си, 36-уй)да чол этишга тайёрланди.

«Чуст босмахонаси» МЧЖда чол этилди. Чуст шаҳри,
Сўғизода кўчаси, 8-уй.